

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН
ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**«ЎЗДАВЕРЛОЙИҲА» ДАВЛАТ ИЛМий-ЛОЙИҲАЛАШ
ИНСТИТУТИ**

ШАРОПОВ РАМЗИДДИН НАЖМИДДИНОВИЧ

**ЛАЛМИ ЕРЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of (DSc)
on agricultural sciences**

Шаропов Рамзиддин Нажмиддинович

Лалми ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг назарий ва
услубий асослари..... 3

Шаропов Рамзиддин Нажмиддинович

Теоретические и методические основы организации эффективного
использования богарных земель..... 31

Sharopov Ramziddin Najmiddinovich

Theoretical and methodological foundations for organizing the efficient use of
rainfed lands..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН ФАН
ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ЎЗДАВЕРЛОЙИҲА» ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ЛОЙИҲАЛАШ
ИНСТИТУТИ**

ШАРОПОВ РАМЗИДДИН НАЖМИДДИНОВИЧ

**ЛАЛМИ ЕРЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2.DSc/Qx258 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Ўздаверлойиҳа» давлат-илмий лойиҳалаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тураев Руҳидин Амиркулович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бабажанов Аллаберган Рузимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Исашов Анваржон
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Абдурахмонов Нодиржон Юлчиевич
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган фан доктори (DSc) илмий даржасини берувчи бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил 27 декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, е-маил: tuag_info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали.


Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№555427 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99871) 260-50-43.


Диссертация автореферати 2025 йил 15 декабрь куни тарқатилди.

(2025 йил 13 декабрдаги 26-рақамли реестр баённомаси).



 **У.Норкулов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

 **А.А.Курбонов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., доцент.

 **М.С.Раҳманкулов**
Бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги умумий қишлоқ хўжалиги ерларининг тахминан 80% лалми ерлардан иборат бўлиб, бу ерларда етиштириладиган маҳсулотлар инсониятнинг 60% озиқ-овқат эҳтиёжини қоплай олади¹. Иқлим ўзгариши, алмашлаб экиш тизимининг қўлланилмаслиги ва ер майдонларидан самарасиз фойдаланиш каби омиллар туфайли бу ерларда ҳосилдорлик 15-25% гача камайган². Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодий барқарорликка эришишда ер ресурсларидан айниқса лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-услубий ва инновацион ёндашувларни жорий этиш замонавий аграр сиёсатнинг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда лалми ерлардан мақсадли фойдаланиш бўйича халқаро миқёсда етакчи илмий тадқиқот марказлари томонидан қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан жаҳон банкининг 2021 йилда ишга туширган Drylands Sustainable Landscapes Program дастури доирасида 11 та мамлакатда 5 млн га лалми ер тикланмоқда ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш технологиялари жорий этилмоқда³. FAO ҳисоб-китобларига кўра, лалми ерларда сув тежовчи агротехнологиялардан фойдаланиш туфайли ҳосилдорликни 30-40% гача ошириш мумкин. Бу каби рақамлар амалиётда лалми ерларни стратегик ресурс сифатида сақлаб қолиш ва самарали бошқариш долзарб вазифа эканини яққол кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги 50-60 йил мобайнида лалми майдонлардан фойдаланиш тизимида жиддий ўзгаришлар содир бўлганлигини кўриш мумкин⁴. Ўзбекистонда кейинги 50 йил ичида лалми ерлар майдони 630,9 минг гектарга, яъни 44,6 фоизга (1970 йилдаги 1 млн 415,5 минг гектардан 2025-йилда 768,3 минг гектарга) қисқарган. Лалми ерларни қисқаришига нафақат табиий намликнинг қисқариши, балки уларни сунъий суғориш ва ўзлаштиришга тортиш, шунингдек, қисман лалми-бўз ерларни яйловларга ўтказилиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сонли “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторингини юритиш услуги – Низомини тасдиқлаш тўғрисида” қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5742-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

¹ FAO. (2022). The State of the World's Land and Water Resources for Food and Agriculture – Systems at breaking point. Rome: FAO. <https://www.fao.org>

² UNCCD (United Nations Convention to Combat Desertification). (2020). *Global Land Outlook – Drylands Report*. <https://www.unccd.int>

³ World Bank. (2021). Drylands Sustainable Landscapes Impact Program: Project Overview. <https://www.worldbank.org>

⁴ Kamolov B.A., Qoriyev M.R. Namangan viloyatining adir hududlarida lalmikor dehqonchilikni rivojlantirish imkoniyatlari [Monografiya] / Mas'ul muharrir: Boymirzayev K.M. – Namangan: “Iste'dod ziyo press”, 2023. – 112 b.

ПФ-6061-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги 22-сонли “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси”, IV. “Ахборотлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш» ва VIII. “Ер ҳақидаги фанлар” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Лалми ерларда ер тузиш ишларини ташкил этиш, лалми ер майдонларидан самарали фойдаланиш, ер мониторингини юритиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, Integrated Administration and Control System (IACS), Land Parcel Identification System (LPIS) (Германия), қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (IFAD), Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури (WFP), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги (FAO) ташкилоти, Англиянинг University of Greenwich, Россия Федерациясининг Ер тузиш бўйича Давлат Университети ва бошқа муассасаларида олиб борилмоқда⁵.

Жаҳон миқёсидаги етакчи ташкилотлар ва илмий марказлар лалми ерлар (ёғингарчилик асосида деҳқончилик қилинадиган ҳудудлар) бўйича сўнгги йилларда бир қатор илмий янгиликлар, технологик инновациялар ва амалий моделларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлиб келмоқда. Лалми ерларда барқарор деҳқончиликни амалга ошириш ва бошқаришга оид жаҳонда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: лалми ерларда иқлимга мос агробизнес: Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозор талабига мос равишда етиштириш бўйича инновацион таҳлиллар қилинган (Wageningen University & Research (Niderlandiya)), Лалми ерлар бўйича глобал таҳлиллар, статистика, ва методик ишланмалар яратилган (Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO)); Лалми ерлар бўйича GIS ва RS (Remote Sensing) технологияларини тадбиқ этишда илғор лабораториялар яратилган (China Agricultural University (CAU), Хитой); Лалми екинлар учун тупроқ намлиги, иқлим ва ҳосилдорликни моделлаштириш дастурлари ишлаб чиқилган (UC Davis — University of California); Green Climate Fund билан ҳамкорликда

⁵ <https://www.nrcs.usda.gov/>; <https://www.search.usa.gov/>; <https://sis.agr.gc.ca/>; www.gov.uk/government/organisations/landregistry; www.lantmateriet.se; www.Ipi.nsw.gov.au/

лалми хуудларда иқлимга мослашув ва тупроқни қайта тиклаш бўйича пилот лойиҳалар амалга оширилмоқда (FAO (BMT, Dryland Systems Project)).

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида лалми ерлардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: иқлим ўзгаришига мослашув стратегиялари, рақамли технологиялар ва масофадан зондлаш, лалми ерларда тупроқ унумдорлигини ошириш технологиялари, инновацион рақамли технологиялар асосида лалми ерлар мониторинг тизимини юритиш ва уларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли минтақаларида ва мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги лалми ерларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалалари республикамиз олимлари тадқиқот марказида бўлиб келмоқда. Шунингдек, масофадан зондлаш ва ГАТ технологиялари, хусусан, қишлоқ хўжалиги, суғориладиган ва лалми ерлардан фойдаланиш бўйича тадқиқотларини нашр этган халқаро олимлар, жумладан, Л.Бабушкин, Н.Кимберг, В.Иванов, М.Johnson, Т.Brown, С.А.Петров, О.Н.Смирнов, J.Smith, R.Lee, А.П.Козлов, Н.Г.Иванченко, А.А.Варламов, С.Н.Захарова, С.Н.Волков, В.Я.Цветков, А.Лавронов, А.М.Chandra, Н.Singh, K.Sharma, E.King, J.Mas каби олимларнинг илмий ишларида алоҳида ўрин тутди.

Республикамиздаги кўплаб олимлар томонидан халқ хўжалик тармоқларидаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳамда қишлоқ хўжалик соҳасида ер ва сув ресурсларидан, шу жумладан лалми ерлардан, оқилона фойдаланишни замонавий услубларда ўрганиш илмий изланишлар марказида бўлиб келган. Хусусан, С.Авезбаев, Р.Тураев, М.Рузметов, А.Бабажанов, Қ.Р.Рахмонов, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.Б.Реимов, Ш.К.Нарбаев, Б.Н.Инамов, С.Рузибоев, Ш.Орипов, Р.Сиддиқов, Б.Камолов, М.Қориев ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалик ерларини мониторинг қилишда инновацион технологияларни қўллаш ва масофадан зондлаш бўйича О.Давронов, Ж.С.Усмонов, Х.Х.Ташбаева, Б.Ю.Махсудов, С.С.Иброхимов, М.Т.Абдуллаева, Д.Б.Эшназаров, Б.Б.Хакимов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган ва маълум ижобий натижаларга эришилган.

Мазкур диссертация тадқиқоти юқоридагилардан лалми ерлардан фойдаланишни ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари, миқдор ва сифат ўзгаришлари, ер тузиш лойиҳалари асосида алмашлаб экиш тизимини жорий этиш, рақамли технологиялар ёрдамида лалми ер майдонларининг аниқ ҳисобини юритиш технологиясини такомиллаштириш, Қашқадарё вилояти мисолида лалми ерлар мониторингини юритиш ишларини такомиллаштириш, лалми ерлар хусусиятларига қараб қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришга қаратилган ер тузиш лойиҳалари ишлаб чиқилгани билан фарқ қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Тадқиқотлар “�здаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институти билан Инновацион ривожланиш агентлиги ўртасидаги 2024 йил 1 апрелдаги AL-742210845-сон шартномага мувофиқ амалга оширилган амалий лойиха ҳамда 2023-2025 йилларда “�здаверлойиха” ДИЛИнинг илмий тадқиқот ишлари режаси асосида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Лалми ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

лалми ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг моҳияти ва илмий-назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришдаги ўрнига баҳо бериш;

йиллар кесимида лалми ер майдонларининг сифат ва миқдорий ўзгаришлар тенденциясини кузатиш асосида динамик ўзгаришларни баҳолаш ва мониторингини юритишни долзарблигини асослаш;

лалми ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаларини умумлаштириш ва уни республикаміз қишлоқ хўжалигида қўллаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

лалми ерлар мониторингини юритиш методологиясини такомиллаштириш;

лалми ерларда экинларни суғоришда сув тежовчи технологияларнинг аҳамияти ва уни лалми ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этишдаги ўрнига баҳо бериш;

замонавий ахборот технологиялари асосида лалми ерларни норматив қийматини аниқлаш услубиятини такомиллаштириш;

мавжуд лалми ерлардан фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ер тузиш лойихалари самарадорлигини оширишга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

лалми ерларда экинларни жойлаштириш механизмини такомиллаштириш мақсадида мониторинг юритиш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқиш;

ҳудуднинг рақамли рельеф модели (DEM) орқали лалми ер майдонларининг аниқ ҳисобини юритиш;

лалми ҳудудларни геофазовий моделлаштириш асосида улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган лалми ерлар танлаб олинган. Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод ва Чироқчи туманларининг маълумотлари асос қилиб олинган.

Тадқиқотнинг предмети лалми ерлардан самарали фойдаланиш жараёнларини ташкил этишнинг назарий-методологик асослари, ердан

фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усуллари ҳамда лалми ерларнинг мониторингини юритиш технологиялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларини бажаришда дала тадқиқотлари, таҳлил, қиёсий таққослаш, иқтисодий таҳлил, лойиҳа-қидирув ишлари, картографик, монографик тадқиқот, дисперсия таҳлили, корреляция ва регрессия, математик моделлаштириш, масофадан зондлаш, статистик гуруҳлаш, аэрокосмик усуллар ва ГАТ технологиялари дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лалми ерлар мониторингини миқдорий ва сифат жиҳатдан юритиш методологияси замонавий рақамли технологиялар асосида такомиллаштирилган;

лалми экин ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини илмий асосланган ҳолда алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш схемаси ишлаб чиқилган;

лалми ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этишда лалми майдонларнинг иқлим кўрсаткичлари, рельефи ҳамда комплекс маълумотлар олиш имконини берувчи “3D Layer” дастури ишлаб чиқилган ва уни лалми ерлардан фойдаланишдаги самарадорлиги илмий асосланган;

лалми ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган қишлоқ хўжалиги экинларини самарали жойлаштиришда “экинларни жойлаштириш, анъанавий мониторинг, космосурат(Sentinel2) маълумотлари, УУА (Картографик дрон Hover-1), ArcGIS дастури ва “3D Layer”” бажарилиш кетма-кетлиги асосланган ҳамда лалми ерлар мониторинги усули такомиллаштирилган;

лалми ерларда ҳудуднинг уч ўлчамли (3D) моделини тузиш орқали қишлоқ хўжалигида ер ҳисобини юритиш механизми илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг агроэкологик, иқтисодий ва табиий-иқлимий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда “лалми ерлар” атамаси бўйича муаллифлик таърифи берилган;

хорижий давлатларнинг лалми ерларда фойдаланишни ташкил этиш самарадорлигини ошириш бўйича аҳамиятга молик тажрибалари умумлаштирилган ва уни республикамиз қишлоқ хўжалиги тармоқларида қўллаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

лалми ерлар хусусиятларига қараб қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришга қаратилган ер тузиш лойиҳалари ишлаб чиқилган;

паст рентабелли лалми ерлардан самарали фойдаланиш борасида маҳалла ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари (фермер, деҳқон ва ёрдамчи хўжаликлари)нинг драйвер кўрсаткичларидан келиб чиқиб, лалми ерлардан самарали фойдаланишга қаратилган ер тузиш лойиҳалари ишлаб чиқилган;

лалми ерларда олиб борилган мониторинг натижалари асосида амалий ҳолати билан мавжуд кадастр маълумотлари ўртасида номуаносибликни

олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин ерларини реал ҳолатга мос равишда суғориладиган, шартли суғориладиган ва лалми ерлар тарзида қайта тоифалаш таклиф этилган;

“3D Layer” дастури яратилган ва амалиётга жорий этилган;

монографик тадқиқотлар асосида Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани “Бозортепа” ва Чироқчи тумани “Оқчова” массивлари ҳудудининг 3D ўлчамли модели тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган илмий тадқиқот натижаларининг қиёсий ва статистик таҳлил қилинганлиги, тизимли таҳлиллар асосида дала ишлари бажарилганлиги, олинган натижаларнинг илмий асосланганлиги, яратилган дастурий таъминот амалиётда фойдаланилганлиги, монография ва тавсияномалар нашр этилганлиги, шунингдек республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Олий аттестатсия комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларида чоп этилганлиги ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лалми ерларнинг йиллар бўйича ўзгаришлар динамикаси аниқланганлиги, қишлоқ хўжалик лалми ер майдонлари мониторингини ўтказиш механизми такомиллаштирилганлиги, анаъанавий усулга нисбатан учувчисиз учиш қурилмалари ёрдамида мониторинг ўтказишнинг самарадорлик кўрсаткичлари аниқланганлиги, паст рентабелли лалми ерлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари илмий асосланганлиги, қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилган лалми ерларда қишлоқ хўжалиги экин турлари жойлаштирилган ер тузиш лойиҳаларининг ишлаб чиқиш услубияти такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Амалий аҳамияти шундан иборатки, қишлоқ хўжалигида лалми ерларнинг ҳолатини яхшилашга йўналтирилган молиявий ресурслар самарадорлигини баҳолаш, лалми экин ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини илмий асосланган ҳолда алмашлаб экиш схемаси ишлаб чиқирилиши, ҳудуднинг 3D ўлчамли модели ишлаб чиқиш асосида ер ҳисобини аниқ ва ҳаққоний юритишни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги лалми экинларини оқилона жойлаштириш, лалми ер майдонларини мониторинг ўтказиш методини такомиллаштириш каби ишланмалардан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши ҳамда маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида ҳамда таълим ва илмий тадқиқот институтлари амалиётида интеграция қилинган ҳолда татбиқ этиш жараёнида кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Лалми ерлардан фойдаланишни ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари” бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлардан олинган илмий натижалар асосида:

Қишлоқ хўжалик лалми ер майдонларини йўқламадан ўтказишнинг такомиллашган усули ишлаб чиқилган ва Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 28 августдаги 05/05-04-505-сон маълумотномаси). Натижада, такомиллашган услубият республиканинг лалми ерлари мониторингини юритишда, ер ҳисоби маълумотларини тартибга солишда, улардан самарали ва оқилона фойдаланишда услубий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

Лалми экин ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини илмий асосланган ҳолда алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш схемаси ишлаб чиқилган ва “Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида 2024 йилги “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасига қишлоқ хўжалиги йўналишида берилган таклиф қабул қилиниб давлат дастурига киритилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 28 августдаги 05/05-04-505-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-37-сон Фармонининг 7-илоvasида 54-мақсадида: Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш қисмида алмашлаб экиш тизимини жорий этиш бўйича аниқ кўрсатмалар келтириб ўтилган.

Лалми ер ҳисоби маълумотларини шакллантириш имконини берадиган “3D Layer” дастури яратилган ва “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлинмасида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 28 августдаги 05/05-04-505-сон маълумотномаси). Натижада, дастурий таъминот орқали вилоят, туман ҳамда массивлар кесимида ердан фойдаланувчилар тўғрисида маълумотлар, ер тури, майдони, ҳудуднинг фазовий координата маълумотлари, реал вақт ҳолатидаги лалми ерлар бўйича қатламлар кетма-кетлиги кесимида маълумотлар олишга, шунингдек лалми ерлардан самарали фойдаланиш ва бошқариш имконияти яратилган. Лалми ерлар мониторинги бўйича ишлаб чиқилган монография республикадаги мавжуд лалми ерлар мониторингини юритиш, ушбу ерларни барқарор бошқариш, ер ҳисобини аниқ ва ҳаққоний юритишга қаратилган илмий-тадқиқот бўлиб хизмат қилган.

Лалми экин ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини илмий асосланган ҳолда алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш схемаси ишлаб чиқилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 28 августдаги 05/05-04-505-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу схема ердан

фойдаланувчилар учун илмий асосланган алмашлаб экиш тизимларини ишлаб чиқиш, ерлардан мақсадига кўра оқилона ва самарали фойдаланиш таъминланади, ҳосилдорлик кўтарилади ва ер унумдорлиги ошишига замин яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг илмий-техник кенгашида кўриб чиқилган ва ижобий баҳоланган, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган. Институтнинг илмий-техник кенгашида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шундан ҳаммуаллифликда 1 та тавсиянома, 1 та дастурий таъминот гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш рўйхати келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Лалми ерлардан фойдаланишни ташкил этишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи боби тўрт қисмга бўлинган бўлиб, биринчи қисми 1.1-§.-“ Лалми ерлардан фойдаланишнинг назарий асослари” деб номланган. Унда лалми ерлардан фойдаланишнинг назарий асослари, лалми ер тушунчаси ва уларнинг таснифи, лалми ерларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хослиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Иккинчи қисми 1.2-§.-“Ер тузиш лойиҳалари асосида лалми ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш” деб номланиб, унда ер тузиш тушунчаси ва вазифаси, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ички ер тузиш ишларини ташкил этиш тартиби, лалми ҳудудлар учун ишланадиган ички ер тузиш лойиҳасининг таркибий қисмлари ва элементлари бўйича маълумотлар асосли материаллар билан очиб берилган.

Диссертациянинг 1.3-§. - “Лалми ерларнинг 3D ўлчамли рақамли моделини яратишда хорижий тажрибалар” деб номланиб, ривожланган мамлакатларда лалми ерлардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар, жумладан, лалми ерларнинг 3D ўлчамли рақамли моделини яратиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий маълумотлар келтирилган. Россия, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Хитой каби давлатлар лалми ерлар ерларининг 3D ўлчамли рақамли моделини замонавий услубларга асосланган ҳолда яратиш каби масалалар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг 1.4-§.-“Лалми ерларда сув тежамкор технологияларни қўллаш кўлами ва имкониятлари” деб номланиб, унда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги йўналишида сув тежамкор технологияларни кенгроқ жорий қилиш, лалми ерларда ёмғир сувини йиғиш ва сақлаш, консервацион суғориш, терассалаш ва ерга сув юбориш техникаси каби усуллардан фойдаланиш бўйича таҳлилий маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси лалми қишлоқ хўжалиги ерлари тақсимооти ва фойдаланиш таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон лалми ерларининг географик ўрни ва ер фонди тўғрисида умумий маълумотлар, лалми ерлардан фойдаланишда иқлим ўзгаришининг таъсири, лалми ерларнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари, лалми ерларда алмашлаб экиш тизимини жорий этиш усулини такомиллаштириш бўйича ишлар келтирилган.

Адир зонасида суғорилмай деҳқончилик қилинадиган ерлар лалми ерлар ҳисобланади. Лалми деҳқончилик ўртача йиллик ёғингарчилик 200 мм дан юқори бўлган ҳудудларда тарқалган. Тупроқда табиий намлиқни тўплаш ва уни сақлаш, ўғитлаш, бегона ўтларга қарши кураш, тупроқ эрозияси олдини олиш каби тадбирлар қўлланилади. Лалмикор деҳқончилик суғориш учун ноқулай бўлган ерларнинг фойдаланиш имконини берилганлиги учун ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот маълумотларга кўра, лалми ерлар майдони 2025 йил 1 январ ҳолатига кўра Республика ва вилоятлар кесимида умумий майдонларига нисбатан қуйидагича:

Жиззахда – 246,6 минг гектар (32%)ни, Қашқадарёда – 250,9 минг гектар (32,6%)ни, Навоийда – 31,1 минг гектар (4,0%)ни, Самарқандда – 170,1 минг гектар (22,1%)ни, Сурхондарёда – 38,9 минг гектар (5,3%)ни ва Тошкентда – 30,8 минг гектар (4,0%)ни ташкил этади (1-жадвал).

Ўзбекистон ҳудуди одатда, қуйидаги 4 та қишлоқ хўжалиги минтақасига ажратилади:

- суғориладиган деҳқончилик;
- лалми деҳқончилик;
- чўл-яйлов чорвачилиги;
- тоғолди-тоғ-яйлов чорвачилиги минтақалари.

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги жами
лалми ерлар майдони**

минг га

Т/р	Вилоятлар номи	Республика умумий лалми ерлар майдонига нисбатан	
		жами	фоиз ҳисобида
1	Жиззах	246,6	32
2	Қашқадарё	250,9	32,6
3	Навоий	31,0	4,0
4	Самарқанд	170,1	22,1
5	Сурхондарё	38,9	5,3
6	Тошкент	30,8	4,0
	Жами:	768,3	100

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Тошкент: Кадастр агентлиги, 2025. - 63 б.

Лалми ерлар жойлашиш минтақасига қараб республикамиз вилоятлардаги лалми ерларининг минтақалар бўйича жойлашиш тартибини кўриб чиқамиз (2-жадвал).

**Республикадаги лалмикор ҳудудларни минтақалар бўйича
жойлашиш тартиби**

№	Вилоятлар	Жами лалми майдонлар, минг га	Шу жумладан минтақалар бўйича		
			текислик	қир адирлик	тоғ олди ва тоғ
1	Жиззах	246,6	19,5	181,7	45,4
2	Қашқадарё	250,9	45,3	169,1	36,5
3	Навоий	31,0	12,5	17,3	1,2
4	Самарқанд	170,1	10,1	153,5	6,5
5	Сурхондарё	38,9	5,3	20,4	13,2
7	Тошкент	30,8		20,7	10,1
	Жами	768,3	92,7	562,7	112,9


Тадқиқот олиб борилган Қашқадарё вилояти умумий ер майдони 2856,8 минг гектарни, шундан суғориладиган ер майдони 522,6 минг гектар (18,2%)ни ташкил этади. Мазкур вилоятда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган майдонлар 2328,8 минг гектар, шундан лалми ерлар майдони 250,9 минг гектар (10,7%)ни ташкил этади.

Монографик тадқиқот олиб борилган Деҳқонобод тумани Бозортепа ҳамда Чирокчи тумани Оқчоа массивларининг қайси минтақада жойлашганлигини аниқлаш мақсадида массивларнинг уч ўлчамли (3D) харитасини ArcGIS дастури ёрдамида яратилди.

Таҳлилларга кўра, Деҳқонобод тумани Бозортепа массиви асосан юқори адир поғонаси минтақасида жойлашган бўлиб, уларни айнан шу минтақалар нуктаи назаридан лалми ер майдонлари ҳажми гектар бирлигида таҳлил қилинди.


Мазкур яратилган 3D модел асосида ўрганилган массив ҳудудида 590,81 гектар юқори адир поғонаси минтақасига тўғри келишини аниқланди.

Демак, йиллик ёғингарчилик миқдори 300-400 мм ни ташкил этадиган **юқори адир поғонаси минтақасига** кирган 590,81 гектар лалми ҳудудга **ўрта муддатли (10 йиллик)** ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Дехқонобод тумани “Бозортепа” массиви уч ўлчамли кўриниши


Шунингдек, Чироқчи тумани Оқчова массивининг рельеф маълумотлари ўрганилганда ушбу массивда қуйи адир поғонаси, юқори адир поғонаси ҳамда паст тоғ поғонаси минтақаларига кириши аниқланди. Ушбу лалми ер майдонларга **ўрта муддатли (10 йиллик)** ва **узоқ муддатли (20 йиллик)** ер тузиш лойиҳалари тавсия этилади (2-расм).



2-расм. Чироқчи тумани “Оқчова” массивининг уч ўлчамли кўриниши

Сўнгги 23 йиллик мониторинг таҳлилларига кўра, республикамизда 2002-2025 йиллар оралиғида лалми экин ер майдонлари 23 минг гектарга ортганлиги қайд қилинган (3-расм).


Юқорида келтирилганидек, 2002-2025 йиллар оралиғида аксарият вилоятларда лалми экин ер майдонлари кўпайганлигини кўришимиз мумкин.



3-расм. Республика миқёсида лалми ерларнинг ўзгариш динамикаси.
(2002-2025 йй.)

Лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнида табиий намлик асосий омил ҳисобланади. Йиллик ёғингарчилик миқдори ва унинг тарқалиши ҳосилдорликка бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис, лалми ерларда алмашлаб экиш тизимини жорий этиш тупроқ унумдорлигини сақлаш, намликдан самарали фойдаланиш ва ернинг агроэкологик ҳолатини яхшилашда долзарб аҳамиятга эгадир. Юқоридагилардан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги лалми ерларида алмашлаб экишнинг бир нечта босқичли **СХЕМАСИ** ишлаб чиқилди (4-расм).

Диссертациянинг “**Лалми ерлар мониторингини юритишда рақамли ва инновацион технологияларнинг илмий-амалий асослари**” деб номланган учинчи бобида қишлоқ хўжалигида рақамли дастурий таъминотлардан фойдаланишнинг илмий-амалий асослари, «3D Layer» дастурий таъминоти орқали лалми ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, лалми ерлар мониторингини юритишда рақамли технологиялар самарадорлигини аниқлаш усуллари бўйича амалий тадқиқотлар келтирилган.



4-расм. Лалми экин ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини илмий асосланган ҳолда алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш

Биз томондан олиб борилган тадқиқотлар натижасида лалми ерларнинг уч ўлчамли рақамли харитасини ишлаб чиқиш асосида ер ҳисобининг тўғри ва аниқ механизминини юритишга қаратилган янги «3D Layer» дастури яратилди ва унга 2024 йилнинг 3 декабрида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан муаллифлик гувоҳномаси (№DГУ 45324) олинди. Дастур манзили: <http://3dlayer.uzdavverloyiha.uz/>


Қўлланилиш соҳаси- лалми ерларнинг 3D ўлчамли рақамли ер тузиш харитасини яратиш қишлоқ хўжалигининг бир неча муҳим соҳаларида қўлланилади. Буларга: сув ресурсларидан фойдаланиш, эрозияга қарши курашиш, ҳосилдорликни ошириш, мелиорация ишларини самарали амалга ошириш киради.

Натижаларни тадбиқ этиш бўйича тавсиялар - ушбу дастурий таъминотни юритиш жараёнида олинган натижалар ҳамда кўзда тутилган тадқиқотлар республика шароити учун янгилик ҳисобланиб, Республиканинг лалми майдонларида амалга оширилган мониторинг ишларини дронлар ёрдамида ва рақамли технологиялар асосида ўрганиш қўйилган вазифаларнинг амалдаги ижроси ҳисобланади.

- лалми ерларда ер мониторингини ўтказишда учувчисиз учиш қурилмалардан фойдаланиш йирик ҳажмда ёқилғи-мойлаш ҳаражатларни талаб этмайди. Қишлоқ хўжалигида бу каби инновацион технологиялардан


фойдаланиш, унумдорликни ошириш, экинлар ривожини кузатиб бориш ва ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишга олиб келади.

- лалми ерлардан фойдаланишда янги замонавий ахборот технологияларни қўллаш жуда тез орада иқтисодий самара бериши маълум. Натижада ер эгаларининг ердан фойдаланиши тўғрисидаги тезкор маълумотларни тўплашга, таҳлил қилишга эришилади. Тавсия этилаётган илмий-услубий ёндошув қўлланилаётган услубларга нисбатан натижаларга юқори савияга эришиш ва таҳлиллаш билан фарқланади (5-расм).



5-расм. “3D Layer” дастур интерфейси

Дастурий таъминотда вилоят, туман ҳамда массивлар кесимида ердан фойдаланувчилар тўғрисида маълумотлар, ер тури, майдони, ҳудуднинг фазовий координата маълумотлари жойлаштирилган бўлиб, унда республикамиздаги барча реал вақт ҳолатидаги лалми ерлар бўйича қатламлар кетма-кетлиги кесимида маълумотлар жойлаштирилган ва мунтазам равишда дастурда маълумотлар янгиланиб турилади (6-расм).



6-расм. Туман массивлари кесимида жорий тасдиқланган маълумотлар

Тадқиқот ўтказиладиган объект бўйича мавжуд архив ва картографик маълумотлар билан танишиш, таҳлил қилиш ва тадқиқот маршрутларини белгилаб олиш. Лойиҳани амалга ошириш мақсадида Чирокчи ва Дехқонобод туманлари ердан фойдаланувчиларининг ер ҳисоби хатлов натижалари бўйича дала шароитида аниқланди.


2024-йил тадқиқот объектига чиқиб ҳудуднинг географик жойлашувини аниқлаш, харитага тушириш ишлари амалга оширилди (7-расм).



7-расм. Ҳудуднинг географик жойлашувини аниқлаш, харитага тушириш ишлари

Лалми ер майдонларидан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, мавжуд муаммоларни ўрганиш мақсадида монографик тадқиқотлар, ижтимоий сўровномалар бевосита Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Бозортепа массивида ҳамда Чирокчи тумани Оқчома массиви ердан фойдаланувчилар кесимида ўтказилди.

Респондентлар ўртасида “Лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлигига нима сабаб бўлмоқда” деган саволга респондентларнинг 32% сув ресурсларининг етишмаслиги, 24% ер майдонларининг деградацияга учраганлиги, 14% замонавий агротехниканинг мавжуд эмаслиги, 9% техника, ёқилғи харажатлари, 8% экстенсив фойдаланиш услуби, 7% замонавий билим ва тажрибага эга мутахассисларнинг етишмаслиги, 5% иқлим ўзгаришларининг таъсири борлигини такидлайди (8-расм).



8-расм. Лалми ер майдонларидан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш бўйича олиб борилган сўровнома натижалари

Диссертациянинг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган лалми ерлар мониторинги натижалари ва баҳолаш методологияси” деб номланган тўртинчи бобида лалми ерлар мониторинги юритиш методологиясини такомиллаштириш, лалми ерларнинг норматив қийматини баҳолаш механизминини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш лалми ерлар мониторингини юритишда ер тузиш лойиҳаларининг самарадорлиги бўйича ишлар келтирилган.

Бугунги кунга қадар хатлов ишлари замонавий усул ва технологиялар, юқори аниқликдаги ўлчаш асбоблари ёрдамида амалга оширилади.

Хатлов ишларидан олинган натижалар асосида ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида таҳлилий маълумотлар ва ҳисоботлар, шунингдек ерларни тўлиқ ва аниқ ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланади. Электрон тизимдаги маълумотлар доимий равишда янгиланади.

Шу боис қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар турларига кирувчи лалми ерларни хатловдан ўтказиш ва электрон маълумотлар базасига киритиш ишларини амалга ошириш бўйича контурлар кесимида хатловдан ўтказиш орқали қишлоқ хўжалиги лалмикор ерлари ҳисобини шакллантириш, ҳамда хатлов натижалари асосида электрон рақамли қишлоқ хўжалиги хариталари янгилаб борилади. Шундан келиб чиқиб лалмикор ерларни хатлов ишларини амалга ошириш бўйича тартиб белгилаш лозим. Тадқиқот иши давомида лалми ерларни мониторинг ўтказиш тартиби ишлаб чиқилди (9-расм).



9-расм. Лалми ерлар мониторинг ўтказиш тартиби ва жараёни

Лалми ер майдонларида амалга оширилган мониторинг ишлари натижасида кўплаб лалми ер майдонларида суғориш тизимлари ўрнатилиши ҳисобига экин майдонларини суғориб келинаётганлиги аниқланди. Ушбу ер

майдонлари қишлоқ хўжалиги хариталарида ҳамда маълумотлар базасида бугунги кунга қадар лалми ер майдони бўлиб турганлигини инобатга олиб, экин ерларини 3 турга ажратишни таклиф этилади.

1. Суғориладиган ерлар;
2. Шартли суғориладиган ерлар;
3. Лалми ерлар.

Лалми ерлардан самарали фойдаланиш - нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш, балки аҳоли бандлигини ошириш, даромад манбаларини диверсификациялашнинг муҳим воситасидир. Деҳқонобод ва Чироқчи туманларида олиб борилган таҳлиллар, мазкур ҳудудларда замонавий технологияларни кенг жорий этиш орқали катта иқтисодий ва ижтимоий натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Ушбу тадбирлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида тизимли равишда олиб борилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишга қаратилган ер тузиш лойиҳалаш ишлари Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод ва Чироқчи туманларида амалга оширилди.

Чироқчи тумани Оқчова ҳудудида паст рентабелли лалми ерлардан самарали фойдаланиш борасида ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу жумладан, Чироқчи туманининг “Оқчова” ҳудудида мавжуд лалми ва яйлов ерларни ўзлаштириш орқали боғ ва токзорлар жойлаштиришга қаратилган 1:10 000 масштабли ер тузиш лойиҳалари ишлаб чиқилди.


“Оқчова” ҳудудидаги лойиҳаланаётган ҳудуд ўрганилганда лалми ер майдони 549,5 га, яйлов ер майдони 127,59 га, бошқа ерлар эса 0,96 га ташкил этиши аниқланди.

Бунда “Бир макон – бир маҳсулот” тамойили асосида “Оқчова” маҳалла ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари (фермер, деҳқон ва ёрдамчи хўжаликлари)нинг драйвер кўрсаткичларидан келиб чиқиб, жами 681,71 га майдон, шундан 152,54 га таклиф этилаётган писта плантацияси ва 519,34 га токзор режалаштирилди (10-расм).

Диссертациянинг **“Ер тузиш лойиҳалари асосида лалми ерлардан самарали фойдаланишни амалиётга жорий этиш йўналишлари”** деб номланган бешинчи бобида лалми ерлардан самарали фойдаланишда ер тузиш лойиҳаларини амалга оширишнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги ҳамда ер тузиш лойиҳаларида фазовий маълумотлар моделини тадбиқ этиш кўлами бўйича ишлар келтирилган.

Олиб борилган тадқиқот ишидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўртача жойдаги реал 1 гектар рельефи мураккаб бўлган майдонни хариталар ёрдамида ҳисобланса 0,05-0,06 гектар майдон камлиги эвазига

кайдномаларда ушбу жойнинг маълумотлари 0,95-0,94 акс этирилмоқда. Бу эса Республика миқёсида ер ҳисобини юритишда реал жойдаги ҳолатга нисбатдан фарқ қилаётгани аниқланди. Ўз навбатида экинларни жойлаштиришда, уруғ тақсимлашда, ерлардан олинадиган солиқ миқдорига, агротехник тадбирларни олиб боришда ёқилғи миқдорини ажратишда ўзини таъсирини кўрсатади.



10-расм. Чироқчи тумани “Оқчова” ҳудуди лалми ерларида Узумзор ва писта плантацияси учун таклиф этилаётган ер тузиш лойиҳаси

Ушбу ер тузиш лойиҳалари доирасида Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани мутасадди ташкилотлари ҳамкорлигида ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида 3 дона мембрана ҳовузи, 681,97 гектар майдонга томчилатиб суғориш тизими жорий қилиниб, тегишли агротехник чора-тадбирлар амалга оширилади. Мазкур чора-тадбирлар ва жорий замонавий технологиялар сарф-харажатлари 3-жадвалда келтирилган.

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинма мутахассислари билан биргаликда 2023 йилда 7 та, 2024 йилда 8 та, жами 15 туман лалми ерларида хатлов ишлари амалга оширилди. Мазкур туманларнинг мавжуд лалми ер майдонлари контурлар кесимида ҳар бир ердан фойдаланувчи ва ижарачи бўйича хатловдан ўтказилиб, электрон рақамли хариталари яратилди. Хатлов ўтказиш натижасида туманлардаги мавжуд лалми ер майдонларини ўлчашда замонавий учувчисиз учуш аппаратлари ёрдамида ҳамда яратилган 3D ўлчамли электрон хариталарда ўлчаш ишлари олиб борилди.

**Ер тузиш лойиҳаларини амалга оширишда суғориш тизимини
эксплуатация қилиш харажатлари**

Суғориш тизимини эксплуатация қилиш харажатлари		
Иш тури	бирлиги	миқдори
Лалми экин майдони	га	682
шундан: узумзор	га	520
боғ	га	150
1. Суғориш меъёри		
1 гектар суғориш меъёри (боғ-ток, томчилатиб)	м ³	350
суғоришлар сони	марта	15
Мавсумий суғориш меъёри	м ³	5 500
2. Суғориш мавсумида сув билан таъминлаш		
Барпо этилган узум боғи	га	452
жами талаб этиладиган сув миқдори	м ³	2 831 150
12 та тик қудукни сув чиқариш қобилияти	м ³ /соат	480
12 та тик қудукни ишлаш муддати	кун	220
1 йиллик электр энергия сарфи	кВт/соат	1 243 160
маблағи	сўм	442 735 200
Суғориш қудукларини ҳисоб-китоби		
1 дона тик қудукни сув чиқариш қуввати	м ³ /соат	40
3 дона тик қудукни қуввати	кВт/соат	120
1 дона тик қудукни қуввати	кВт/соат	26
1 соатда электр энергия сарфи (3 та)	кВт/соат	78
1 кунда электр энергия сарфи (12 та)	кВт/соат	1881
Маблағи (1 кВт-1000)сум	сўм	1881 000
3. Томчилатиб суғориш тизими учун электр энергия сарфи		
3 дона насос агрегатини қуввати	кВт/соат	111
3 дона насос агрегати сув чиқариш қобилияти	м ³ /соат	900
1 йиллик электр энергия сарфи	кВт/соат	312 181
маблағи	сўм	140 481 600
4. Ишчи ходимларни харажатлари		
Жами ишчи ходимлар	нафар	6
шундан: электрик	нафар	2
назоратчи	нафар	4
1 ойлик иш ҳақи (6 нафар)	сўм	11 056 500
1 йиллик иш ҳақи (6 нафар)	сўм	132 678 000
5. Эксплуатация харажатлари (1-йиллик жорий таъмирлаш)		
Тик қудукларни таъмирлаш ишларига	сўм	42 000 000
Суғориш тизимини таъмирлаш ишларига	сўм	25 000 000
жами		67 000 000
жами йиллик харажатлар	сўм	984 095 100
шундан (452 гектар учун)		
1 гектар учун	сўм	2 398 440
0,50 гектар учун	сўм	1 199 220
0,25 гектар учун	сўм	599 610

Хатловдан ўтказиш натижасида мавжуд лалми ер майдонларининг ҳолати ва ердан фойдаланувчиларига аниқлик киритилди ҳамда ер балансига нисбатан солиштирилганда сезиларли даражада фарқлар борлиги аниқланди.

Жумладан: 2023 йилда олиб борилган хатлов натижалари ер балансига солиштирилганда Қашқадарё вилоятининг 3 та (Деҳқонобод, Чироқчи ва Ғузор), Навоий вилоятининг 2 та (Хатирчи ва Нурота), Тошкент вилоятининг 2 та (Бўстонлиқ ва Охангарон) туманларининг умумий ер майдони 2 319 801 га, шундан лалми экин ерлари ер ҳисоботи бўйича 143 713 га ташкил этса, хатлов натижаларига асосан лалми экин ерлари 8091,4 га кўп эканлиги аниқланди.

